



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 5 ” yanvar

Қ-18 -son

Termiz sh.

Узун тумани “Туркистон-Файзобод” массиви худудидан “ADHAMBEK-INVEST” хусусий корхонасига боғзор барпо этиш ва бодом кўчатларини етиштириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 5 ноябрь куни ўтказилган 48-сон селектор йиғилиш баёнининг 12-бандига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 21 декабрдаги 05-02/818-сон йиғилиш баёни ва Узун туман ҳокимининг 2020 йил 28 сентябрдаги 01-05/328-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Узун тумани “Туркистон-Файзобод” массиви худудидан “ADHAMBEK-INVEST” хусусий корхонасига боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 120қ-дала контуридаги 50,0 гектар яйлов ер майдонида боғзор барпо этиш ва бодом кўчатларини етиштириш учун вақтинча (30 йил) муддатга ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ердан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов